Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 73 (6963). ● 18 апрель, 1979 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.



Бекобод районидаги Навоий номли колхоз звено бошлиғи Тўлганой Абдуллаева моҳир механизаторлардан бири. Унинг звеноси аъзолари бу йил 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. М. Қорабеков фотоси.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1979 йил 17 апрелда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессияси масалаларини кўриб чиқди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети СССР Олий Советининг фаолияти ҳамда халқ депутатлари барча Советлари ишини янада такомиллаштириш йўналишлари тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов ҳам нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Олий Советининг биринчи сессияси ташкилий масалалари юзасидан Марказий Комитет Сиёсий бюросининг таклифларини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўртоқ Я. П. Рябов СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Астрахан область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Л. А. Бородинни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Шу билан Марказий Қомитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

КЎКЛАМГИ дала ишларини КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумлардаги доклади ва сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулоса ва кўрсатмалар асосида ташкил этган Янгийўл райони пахтакорлари катта меҳнат ютуғини қўлга киритдилар. Мавжуд 10389 гектар пахта майдонига қисқа муддатда чигит экиб бўлинди. Экиш даврида 186 дан зиёд экипаж тўхтовсиз ишлаб турди.

6098 гектар ерга кенг қаторлаб, 4228 гектар ерга эса туксизлантирилган уруғ ташланди. Экиш билан бир вақтда ҳамма майдонларга гербицид ва минерал ўғитлар солинди.

Х. Турсунқулов номли, «Партия XXI съезди» ва Ленин номли колхозлар чигитни биринчилар қатори экиб бўлишди. Дастлабки уруғ қадалган майдонларда ғўза ниҳоллари кўзга ташланиб қолди. Механизаторлар биринчи ишловга шай бўлиб туришибди.

Шунингдек, Оққўрғон район пахтакорлари ҳам мавжуд 19031 гектар майдоннинг ҳаммасига кенг қаторлаб чигит экиб, рапорт бердилар. «Партия XXII съезди» колхозининг Абдураззоқ Қурбонов бошлиқ бригадаси далаларида чигит бир текис униб чиқа бошлади.

ЭГИЗ ҚЎЗИЛАР

ОҲАНГАРОН, (ўз мухбиримиздан). КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун қурашаётган Тошкент от заводининг коллективи чорва молларини қишловдан семиз ва соғлом олиб чиқдилар. Чорвадорлар қўзилатиш мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўришиб, бу соҳада юқори кўрсаткичларга эришдилар. Яйловдаги ҳамма совлиқлар қўзилади. Уларнинг кўли эгиз.

Хўжалик районда биринчи бўлиб қўзи олиш планини муваффақиятли бажарди. 4930 ўрнига 5100 қўзи олинди. Қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишда кўпгина мутахассислар, чўпонлар ғайрат ва матонат билан ишладилар. Қўзиларнинг нобуд бўлишига йўл қўймадилар. Абдуқул Ҳасанов, Маҳкам Иброҳимов каби илғор чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 115—120 бошдан соғлом қўзи олдилар.

Райондаги «Олмалиқ», «Ангрен» совхозларининг чорвадорлари ҳам зиммага олган социалистик мажбуриятларини тезроқ бажариш учун ҳаракат қилишмоқда.

ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТГА ТАЯНИБ

Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Алла Максимовна Ким беш йиллик бошидан буён еттинчи шахсий йиллик планини бажарди. У ҳар куни нормадаги 190 та ўрнига 375 та заготовка топширади. Буларнинг деярли ҳаммаси биринчи тақдим этишдаёқ қабул қилинади.

Юксак профессионал маҳорат зардоб ишчининг икки баравар тезкорлик билан ишлашига имкон беради. Алла Ким конвейерда бажариладиган 10 операциянинг ҳаммасини беками-кўст эгаллаб олган. Бунинг устига тикувчи меҳнатнинг тезкор усулларини қўллаш натижада ҳар бир операцияни нормативда кўзда тутилганига қараганда икки баравар тезроқ бажаради.

Алла Максимовна Кимнинг тажрибасидан корхонадаги кўпгина ишчилар баҳраманд бўлишмоқда. Бу — йил бошидан буён савдо тармоқларига пландан ташқари эркакларнинг 600 минг сўмликдан кўпроқ костюмларини, пиджакларини ва бошқа буюмларни жўнатиш имконини берди.

(ЎзТАГ мухбири).

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПИСКЕНТ. Ленин номли колхоз қўйчивонлари беш йилликнинг тўртинчи йилида 800 бош совлиқдан 720 та соғлом қўзи олишни планлаштиришган эди. Ҳозир хўжаликда қўзилатиш мавсуми якунланмоқда. Ўз боқимларидаги қўйларни намунали парваришлаётган З. Обидов, Ҳ. Мамаюсупов каби илғор чўпонлар коллектив муваффақиятига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳозиргача колхозда қўзилар сони 856 бошдан ошди. Ҳар юз бош совлиқдан 106 тадан қўзи олинди. Ўз иқтисодиётларини қайта ҳисоблаб чиққан чорвадорлар мавсум охиригача ҳар юз совлиқдан олинадиган қўзилар сонини 112 тага етказишга аҳд қилдилар.

Райондаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Хўжаликда сигирлардан сут соғиб олиш квартал плани 1,5 ҳисса бажарилди. Буида моҳир сут соғувчилар М. Пардаева, С. Хўжаназарова, М. Қаноатоваларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

«Гулистон» колхози чорвадорлари эса, бу зарбдор йилда ажойиб меҳнат зафарларини қўлга киритишяпти. Улар шу кунгача давлатга 50 тоннадан зиёд гўшт топшириб, дастлабки муваффақиятга эришдилар. Бу кўзда тутилганидан 15,5 тонна кўпдир.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

* * *

● БЕКОБОД. А. Мавлонов номли совхоз сут-товар фермаси коллективи зардоб меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Коллективда социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Ўзаро беллашувда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Зарифа Ҳусанова пешқадамлик қилмоқда. У бу йил ўз боқимидаги ҳар бир сигирдан 3500 литрдан ошириб сут соғиб олишга аҳд қилди. Моҳир сут соғувчи ўз сўзининг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

З. Ҳусаинова ёшларнинг меҳрибон устози ҳамдир. Р. Орипова, Р. Солиева, Ҳ. Қорабоева сингари қизлар ўз устозлари тажрибасидан ўрганиб, сигирлардан мўлжалдагидан ошириб сут соғиб олишяпти.

А. ШЕРМАНОВ.

«КУМУШ ТОЛА» ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

Районимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йил сайин юксалиб бормоқда, экономикаси ривожланмоқда. Бунда гектарлар ҳосилдорлигини ошириш, ер ресурслари ва техникадан самарали фойдаланиш, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини кенг қўлланиш салмоқли роль ўйнамоқда. Районимиз хўжаликларида пахтачилик билан биргаликда чорвачиликни янада ривожлантиришга, унинг маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу нарсани мамнуният билан қайд қилиш керакки, хўжаликларда пиллачилик ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Бу муҳим ва сердаромад соҳага кейинги йилларда, айниқса, жиддий аҳамият берилмоқда ва янгиканлиги қувончли ютуқларга эришилмоқда. Буни ўтган йил якунларидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Районда булутур 1700 қути қурт уруғи боқилди, Социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган миришкор пиллакорларимиз она Ватанга 97 тонна ўрнига 120 тонна «кумуш тола» туҳфа этдилар. Ҳар қути уруғидан пландаги 57 ўрнига 71 килограммдан пилла топширилиб, зиммага олинган социалистик мажбурият оширилиб бажарилди.

Пиллакорлар беш йилликнинг тўртинчи йилида улкан зафарларни қўлга киритиш учун қурт боқиш мавсумига ҳозирдан пухта замин яратмоқдалар. Биз ички имкониятларни қайта кўриб чиқиб, бу йил 1800 қути қурт уруғи боқишни планлаштирдик. Давлатга 105 тонна «кумуш тола» сотиш мажбуриятини олдик.

Пиллакорларимиз ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини чуқур ҳис қилган ҳолда ишламоқдалар. Соғлом ипак қуртларини жонлантириш юзасидан 17 ерда инкубатория ташкил этилди. Энг тажрибали кишилар бу ишга биркитиб қўйилди. Ҳар бир колхоз, совхозда қурт боқувчилар танланди. Ҳар кимнинг қанча қути қурт уруғи боқиши ва қанча ипак топшириши белгилаб қўйилди.

Қурт тутувчиларга барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Қурт боқиладиган хоналар кўздан кечириб чиқилди. Улар оқланиб, дезинфекция қилинди. Қурт тагига тўшаладиган қоғоз, хона ҳароратини ўлчаш учун 3650 та термометр, намнинг бир меъёрда бўлишини таъминловчи психрометр, анча миқдорда металл сўкчаклар тайёрланди. Қурт боқувчи хонадонларга 900 ўрнига 1100 тонна кўмир ўлтириб берилди. 3600 ўрнига 3958 та печка тахт қилиб қўйилди.

Киров номли колхоз пиллакорлари ипак қурти боқишни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча тайёргарлик ишларини қизғин олиб боряптилар. Хўжаликда барча қуртхоналар ва улар учун керакли зарур ашёлар, етарли миқдорда дасталар ҳам тайёрлаб қўйилди.

Ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш энг зарур ишлардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда эрта баҳорда 710 минг дона тут кўчати ўтказилди. 280 гектардаги тутзорга сифатли ишлов берилди, ўғитланди. Тут дарахтларини суғоришга эътибор кучайтирилди. Чунки оби-ҳаётга қонган тут дарахтлари сербарг бўлади, тез амал олади.

Оҳунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида тутзорларни парваришлашда илғор агротехника қоидаларига қатъий риоя қилинаётганлиги туфайли яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Бу хўжаликларда тутзорлар алоҳида бригадаларга биркитиб берилган. Шу туфайли янги экилган кўчатларнинг ҳаммаси тутиб, яхши кўкаради. Бу эса ҳамма вақт тут баргига бўлган эҳтиёжни тўла қондириш имкониятини беради.

Ўтган йили юқоридаги икки хўжалик пилладан баракали хирмон уйди. Ҳар қути уруғдан 56 ўрнига 83 килограммдан ҳосил олиниб, план 130 процент бажарилди. Районимизда Қурбоной Файзиева, Ҳалима Мирбоева, Бозоргул Аҳмедова, Эргаш Мавлонов сингари тажрибали пиллачилар кўп. Улар ҳар қути уруғдан 110—120 килограммдан «кумуш тола» топшириб, юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар.

Лекин районимиздаги баъзи колхозларда тутчиликка етарли даражада аҳамият берилмаяпти. Бундай хўжаликларда тут кўчатлари меҳр билан парвариш қилинмайди, эски тутзорлар эса қаровсиз аҳволда. Натижада энг долзарб кунлари тут барги етишмай қолаётир. Бунга мисол тариқасида Навоий номли колхозни кўрсатиш мумкин. Хўжалик раҳбарларининг бепарволиги оқибатида энг яхши ва сербарг тутзорлар парвариш қилинмаяпти. Кўпгина тут дарахтсорта 4 сўм 30 тийин ўрнига 6 сўмдан ҳақ берилади.


Пилла ҳарид нархларининг оширилиши хўжаликларимизда катта иқтисодий фойда келтиради, пиллачиларимизнинг меҳнатдан моддий манфаатдорлиги ошади. 1978 йили Охунбобоев номли колхоз давлатга 23 минг 209 килограмм пилла топшириб, 95 минг 72 сўм даромад қилган эди. Бу йил шунча миқдордаги пилла ҳосили эвазига хўжалик 154 минг 810 сўм даромад олади.

Партия ва ҳукуматимизнинг пилла ҳарид нархларини ошириш ҳақидаги қарори эълон қилинганидан кейин районимизда пилла қурти боқиш истагини билдираётган кишиларнинг сони сезиларли даражада ортди. Қурт боқувчилар сони 1568 кишидан 1718 кишига етди. Уларнинг ҳар бири мавсумда ҳар қутидан 110—120 килограммдан «кумуш тола» топширишга аҳд қилдилар.

Район партия, хўжалик органлари пилладан мўл ҳосил етиштириб, зиммага олинган социалистик мажбуриятларини бажарган илғорларни рағбатлантириш учун махсус мукофотлар таъсис этдилар.

Районимизнинг «кумуш тола» миришкорлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди ҳамда Марказий Комитетнинг сўнгги Пленумлари қарорларини амалга ошириш ва беш йилликнинг зардоб тўртинчи йили мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, дастлабки зафарга комил ишонч билан бормоқдалар.

Ҳ. АТҲАМОВ,
Чиноз район пилла қуритиш идорасининг директори.



«Политотдел» колхозининг Петр Тен бошлиқ бригадаси бу йил 150 гектар майдонда пахта етиштиради. Ўтган йили ҳосилдорлик 41 центнерга тўғри келган эди. Бу йил эса илғор коллектив аъзолари 45 центнерлик марра учун курашадилар. Суратда: бригада даласида чигит экиш пайти. А. Абалян фотоси.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

17 апрель куни Тошкентда қишлоқ хўжалик фани раҳбарларининг Бутуниттифоқ амалий кенгаши очилди. Кенгашда барча иттифоқдош республикалар министрликлари ва идораларининг раҳбарлари В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси (ВАСХНИЛ) олимлари, илмий-тадқиқот марказларининг директорлари, партия, совет ходимлари қатнашмоқда.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг маслаҳатлари ва тавсиялари асосида қишлоқ хўжалик фанининг самарадорлигини янада ошириш ва унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш тадбирлари, илмий тадқиқотларни амалга ошириш борасидаги вазифалар тўғрисида СССР қишлоқ хўжалик министрлиги қишлоқ хўжалик фани ва пропаганда бош бошқармасининг бошлиғи, ВАСХНИЛ академиги Н. И. Володарский доклад қилди.

Кенгаш иштирокчилари уч кун давомида бир қанча доклад ва ахборотларни тинглайдилар, ишдаги тажрибаларни ўртоқлашадилар, СоюзНИХИда, Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги институтида, академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида бўладилар ва шу институт коллективларининг илмий-тадқиқот ишлари билан танишадилар.

Кенгаш ишида ВАСХНИЛ вице-президенти А. А. Созинов, СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари В. С. Шевелуха, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Л. И. Бабенко қатнашмоқдалар.

(ЎзТАГ).

КУЗГИ ХИРМОННИ ЎЙЛАБ

БАҲОРГИ экиш мавсумини участкамиз деҳқонлари ғоят кўтаринки руҳ билан бошладилар. Кузда шудгор қилинган экин майдонларига маданий ва маҳаллий ўғитлар солинди. Яхоб суви берилди. Етилган ер қисқа муддатда текисланиб борона қилинди. Механизаторларимиз мартнинг бошида техника ремонтини тугаллаб, экиш агрегатларини тахт қилиб қўйдилар. Ана шу пухта тайёргарлик туфайли чигит экишни ўз вақтида бошлаб юбордик.

Ўтган йилги қийинчиликлар эсимизда, бу вақт экишни тугаллаган эдик. Кейин... кейинги аҳвол барчага маълум, об-ҳаво ниҳоятлиги натижасида то май ойининг ярмигача бир неча марта қайта чигит экиш билан банд бўлдик.

Бу йил шароитни ҳисобга олиб чигитни апрелнинг биринчи ярмида экиб тугаллашни маъқул топдик. Ҳозир колхоз правлениеси, партия ташкилоти раҳбарлари, бош мутахассислар — барча дала бошида экишни агротехника талаблари асосида тез ва соз ўтказиш ҳақида қайғурмоқдалар.

Область партия комитетининг аъзоси, тажрибали пахтакор Адолат Рўзиматова бригадасида механизатор Суюнбой Турсунбоев, сеялкачилар Асқарали Каримбердиев ва Баҳриддин Дўстматовлардан иборат экипаж экишда бошқаларга намуна бўляпти. Бригада коллективи бир неча йилдан бери эллик центнерчилар ҳаракатига карвонбошилик қиляпти, уларнинг бу йилги кўзлаган марралари — 70 гектар ернинг ҳар гектари ҳисобига ҳосилдорликни 55 центнерга етказишдир.

Ўрозбой Бўтаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадада Тўйчи Худойназаров, Маҳмуд Аҳмедов ва Солижон Аҳмедов сингари жонкуяр деҳқонлар чигит экишмоқда. Шудгорлаш пайтида ҳар гектар ерга 300 килограммдан суперфосфат солинган бўлса, экиш билан бир йўла гектарига 150 килограммдан аммофос ва бегона ўтга қарши саксон процентли «катаран» гербициди солиб кетилаяпти. Шунингдек, механизатор Эргаш Пўлатов звеноси ҳам экишни муваффақиятли ўтказмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда матбуотда эълон қилинган «1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш ҳамда 1979-80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорида биз пахтакорлар олдига ҳам жуда муҳим вазифалар қўйилган. Пахта йиғим-терими нинг муваффақияти кўп жиҳатдан баҳорги экиш ва парваришга боғлиқ эканлигини тушунамиз. Қатор ораси 90 сантиметр қилиб экилган чигит яқин кунларда униб чиқади. Сўнгра ўғит солиб, сув қўямиз. Бизнингча, ёмғир кўп ёққанлиги натижасида ерда етарли нам тўпланди, чигит суви беришга эҳтиёж бўлмайди.

Бу йил участкамиз пахтакорлари 362 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиб 1448 тонналик «оқ олтин» хирмони уйишга аҳд қилишган. Шу кунларда ана шу кузги улкан хирмон учун пухта замин тайёрламоқдамиз.

Ж. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Бекобод районидаги В. И. Ленин номли колхознинг 4-участка бошлиғи.

ТОШКЕНТДА янги радио-телевизион минора қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 11-Висотстрой тресги 69-қурилиш бошқармасининг П. Костенко раҳбарлик қилаётган бригадаси доим пешқадам. Улар топшириқни 1,5 баравар қилиб адо этишяпти. Ушбу суратда шу бригада аъзоларининг бир группасини кўриб турибсиз.

Х. Мирзакаримов фотолари.





КОМПЛЕКС ҚУРИЛИШИ — СТУДЕНТЛАР ОТАЛИҒИДА

ЧОРВАЧИЛИК ЗАРБДОР ФРОНТ

Область партия комитетининг «КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI Пленуми қарорлари асосида гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида ўтказилган II Пленумида чорвачиликни янада тезкорлик билан ривожлантириш бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Айниқса, чорвачилик қурилиш объектларини ўз муддатида топшириш, реконструкция қилишга катта эътибор бериш таъкидланди.

Беруний номли Политехника институтининг комсомол ташкилоти бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида чорвачилик объектларига — студентларнинг зарбдор меҳнати ташаббусини билан чиқди. Бу ташаббусни область комсомол комитетининг бюроси маъқуллади.

Институт студентларидан бир группаси каникулларида Оржоникидзе районидаги «Майское» посёлкасида 3000 қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилишига йўл олишди.

Аввало шуни айтиш керакки, мазкур чорвачилик комплекси янги типда бўлиб Тошкент областида биринчи экспериментал базадир. Қурилишда прогрессив методлар қўлланмоқда. Шунингдек, янги, қулай рамалар ишлатиляпти. Комплексда бу йил 650 минг сўмлик бош пудрат ишлари бажарилиб, биринчи навбат яъни 1,5 минг бош қорамолга мўлжалланган 3 та молхона фойдаланишга топширилади.

Куни кеча биз ана шу комплекс қурилишида бўлдик. Бунёдкорлик майдонининг олдинги саҳнида ёш қурувчиларнинг штаби жойлашган. Кираверишда шундай шиор осилган: «Бизнинг мақсадимиз чорвачилик комплекси қурилишида бутун куч ва ғайратни ишга солиш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ ишлаш».

Ёшлар худди шу шиорга амал қилиб меҳнат қилмоқдалар. Хабибулла Жаъфаров бошлиқ бригада азаматлари ички канализация деворларини бетонламоқдалар. Азаматлар кунига 15 кубометргача бетон ётқизишяпти. Айниқса, А. Абдусатторов, Б. Каттакишиев, С. Шоимов каби илғорлар меҳнатда ўрнак бўлмоқдалар.

Пўлат Маҳмудов бошчилик қилаётган ғишт терувчилар бригадаси аъзолари ҳам кунлик нормаларини зиёдаси билан адо этиб, бригадалараро мусобақада пешқадамлар сафида боришяпти. Улар 1500 тонна дон сақланадиган омборни тиклашмоқда. Бригаданинг 12 аъзоси бор. Улардан ўн нафари БАМ қурилишида, «Москва-80» олимпиадаси объектларида ишлаб Бутуниттифоқ зарбдор қурилишига муносиб ҳисса қўшган комсомол аъзоларидир.

Бу бригада аъзолари оз вақт ичида самарали меҳнатлари билан танилдилар. Бригада аъзоси Б. Раҳимов Оржоникидзе район комсомол комитетининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Комплексда бир бино қурилиши ниҳоясига етди. Гал пардозлаш ишларига. Бу ерда студент-бўёқчилар иш олиб боришяпти. Бўёқчилардан Х. Аҳмедова ҳам Оржоникидзе район комсомол комитетининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланган. У билан ёнма-ён ишлаётган Р. Розикова дугонасидан ўрнак олиб, кунлик нормасини зиёдаси билан адо этмоқда.

3000 қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилиши зарбдорчасига олиб борилмоқда. Қайси қурилиш бригадасига борманг, юксак меҳнат унумдорлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳар бир кичик группанинг ўз социалистик мажбурияти бор. Мусобақага оператив суратда якун ясаб борилмоқда. Голиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади.

— Объектда ҳозир асосан саноат-граждан қурилиши факультетининг студентлари каникул вақтларида ишламоқдалар,— дейди политехника институти комсомол комитетининг секретари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати А. Мунавварова.— бу албатта комсомол-ёшларимизнинг ленинча яшаш ва ишлаш учун курашаётганликларидан далолатдир. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумида чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида кўрсатма берилди. Институтимиз студентлари пленум қарорларини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида шундай ташаббус билан чиқдилар. Бу албатта ишнинг бошланиши. Ҳозир объектда смена-смена бўлиб салкам 50 ёш ишлаётган бўлса, ёзги каникул вақтида юздан ортиқ студентлар меҳнат қилишади.

Политехника институтининг ёшлари ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Янгиликнинг қаноти бор деганларидек, кўпгина олий ўқув юртлари талабалари ана шу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилмоқдалар.

Б. ПЎЛАТОВ,
Оржоникидзе райони.

ФИЛИАЛ УЧУН КАДРЛАР

ҲОЗИРГИ кунларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг фабрикаларида пискентлик 40 қизни учратиш мумкин. Пискент район комсомол комитетининг йўлланмаси билан келган бу қизлар тўқувчи, йигирувчи касбларининг сир-асрорларини ўрганишмоқда. Улар комбинатда 6 ой бўлиб, ўзлари танлаган касбларни пухта ўзлаштирадилар ва Пискентга қайтадилар.

Пискент шаҳрида Тошкент тўқимачилик комбинатининг филиалини очиш тўғрисидаги хабар кўпчилик ёшларни қувонтирди. Ана шу ёшларнинг дастлабки группаси бўлган 40 қиз филиалнинг биринчи қалдирғочлари. Бугун касб ўрганаётган бу ёшлар эртага албатта, устоз бўлишади.

О. ИЗЗАТУЛЛАЕВ.

РАНГ-БАРАНГ ҚАНДИЛЛАР

ҲОЗИРГИ фаровон турмушимизда ҳар бир хонадонда турли хил қандиллар нур сочиб турганини кўришимиз мумкин. Чиройли ва бежирим қандил уйнинг файзига-файз қўшади. Буни яхши тушунган «Электробитприбор» заводининг ишчи-хизматчилари ўз маҳсулотлари турини кўпайтириш, уларнинг ихчам ва кўркам бўлишига эришиш йўлида доимо изланмоқдалар. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг қандиллар харидорлар эътиборини қозонмоқда.

— Биз ҳар куни Иттифоқимизнинг барча республикаларига 20 хил маҳсулот жўнатамиз. Булардан иккитаси — бир ва икки лампали осма ва девор қандиллар давлат Сифат белгиси билан чиқариляпти,— дейди директор П. Мирзаев.— Бу йил фахрий беш қиррали маҳсулотларимиз турини янада оширишга ҳаракат қиляпмиз. Ойлик ва квартал топшириқларини ошириб бажаришда Матлуба Мирзаева, Мастура Ғознева, Лидия Грекова, Фёдор Носов, Асом Сахиев каби пешқадамларнинг ҳиссаси катта бўляпти.

И. РУСТАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

Меҳнатда эришилган бу муваффақиятни шундай тушунтириш мумкин: республика корхоналарига баҳорги 650 цистерна ёнилғи қора мой қўшимча суратда «келиб қўшилгандек» бўлди. Ўзбекистон энергетиклари йил бошидан буён худди шунча ёнилғини тежаб қолдилар. Ана шу ёнилғи ёрдамида юз миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиш мумкин — 21 апрель куни узлуксиз ишлаш учун республиканинг бутун саноатига роппа-роса ана шунча миқдорда электр энергияси керак бўлади.

Барча иссиқлик электр станцияларининг коллективлари Коммунистик шанбалик жамғармасига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Тармоқ байроқдори — Сирдарё ГРЭСи бир киловатт-соат электр энергия ҳосил қилиш учун ёнилғи сарфлаш жиҳатидан беш йилликнинг охирига бориб мўлжалланган маррага ҳозирдаёқ яқинлашиб қолди. Бу ерда газларнинг бекор кетувчи иссиғидан оқилона фойдаланишни ўрганиб олишган. Натижада айни бир миқдордаги ёнилғини сарфлаб кўпроқ бўғ ҳосил қилишга муваффақ бўлинмоқда. Генераторнинг пишиқ-пухталигя оширилганлиги эса уни айлантиришга кетадиган бўғ сарфини камайтириш имконини берди.

Тошкент ГРЭСининг энергетиклари станция ишини тартибга солувчи асбобларнинг агрегат комплексини мамлакатда биринчи бўлиб жорий этдилар. Ана шу қурилмаларнинг ёрдамида корхонанинг ҳамма установкалари ҳамиша муайян пайт учун энг қулай бўлган режимда ишлайди. Ангрен станциясидан эса ўтхоналарни қасмокдан тозалаш учун самарали ювиш усулини қўллаб кўп иссиқликни тежаб қолдилар, Навоий, Тахиатош электр станцияларида ва бошқа электр станцияларда шундай тадбирлар кўрилмоқда. Тармоқ меҳнаткашлари беш йиллик бошидан буён мамлакат халқ хўжалиги учун 150 минг тоннадан кўпроқ шартли ёнилғини тежаб қолдилар.

* * *

Коммунистик шанбалик қатнашчилари Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг территориясида ва шу бирлашмага туташиб кетган кўчаларда икки минг туп гул кўчати ўтказадилар. Бичиқчи С. Иванова, тикувчилар З. Лебедева, В. Круглова шанбалик штабига йўллаган рапортларида 21 апрель куни икки смена топшириғини бажаришга ва бутун маҳсулотни биринчи тақдим этишдаёқ топширишга сўз берганлар. Бу пешқадамлар ҳозир 1982 йил ҳисобига ишламоқдалар.

«Қизил тонг» бирлашмасининг коллективи меҳнат байрами кунида аёллар ва болаларнинг беш минута пальтосини тикишга қарор қилди. Бу буюмларнинг салкам ярмига сифат белгиси қўйилади.

* * *

В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг Қалмоққир ва Саричеку конларининг коллективлари «Қизил шанбалик» кунида планга қўшимча равишда қарийб 40 минг кубометр тоғ жинсини ортиб жўнатишга қарор қилдилар. Корхона коллективи Ильич туғилган кунни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлаш юзасидан москваликларнинг ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. 21 апрель куни бутун маҳсулотни тежалган энергия ресурслари ҳисобига ишлаб чиқариш мўлжаллаб қўйилди.

Олмалиқ,
(ЎзТАГ).

ФАКУЛЬТЕТНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

ТОШКЕНТ Давлат автомобиль транспорти ва йўллари институти ҳузурида жамоатчи касблар факультети ишлаб турибди. Ҳозир унинг ихтиёрида ўндан ортиқ бўлим мавжуд.

Ёш лекторлар, ҳарбий-ватанпарварлик, илмий атеизм, мухбирлар мактаби каби бўлимлар ҳам кенгайтирилган ўқув программасига эга. Факультет декани иқтисод фанлари кандидати, доцент Э. Катановнинг методик тавсиялари машғулотларни янада мазмунли бўлишини таъминламоқда.

Эстетика ва коммунистик ахлоқ бўлими ўқитувчилари ҳам студентларнинг иккинчи касбига оид машғулотларга ижодий ёндошмоқдалар. Атоқли санъаткорлар ва ёзувчилар билан студентлар учрашувларига катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Навбатдаги машғулотда институт студентлари ҳузурига Ўзбекистон Ленин комсомоли ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари лауреати севимли ёзувчи Ўлмас Умарбеков меҳмон бўлиб келди. Ўша куни ўқув зали профессор-ўқитувчилар ва студентлар билан гавжум бўлиб кетди.

Филология фанлари доктори, профессор С. Мирвалиев ёзувчининг ижодий йўли ҳақида батафсил гапириб берди, унинг драматик асарлари ҳақида тўхталди.

Учрашув кечасига Ленин орденли Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг етакчи артистлари ҳам таклиф этилди. Улар севимли адибнинг драматик асарларидан ва уларни саҳналаштириш жараёнларидан тўғридан ҳикоя қилиб беришди.

Кечада Ў. Умарбеков пьесалари асосида саҳналаштирилган спектакллардан парчалар намойиш қилинди.

КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

● Чирчиқдаги 2-ўрта мактаб базасида «Зарница» ҳарбий спорт ўйинлари ташкилотчиларининг область амалий семинари бўлиб ўтди. Семинарда сўзга чиққан область «Зарница» штаби бошлиғи К. Бобохўжаев финал мусобақаларини ўтказиш тартиблари ҳақида гапирди.

Семинарда область комсомол комитетининг секретари М. Жалилова иштирок этди.

● Кўпгина мактабларнинг юқори синф ўқувчилари дарсдан сўнг далаларга чиқиб, ўзлари учун ажратилган участкаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар пахта, маккажўхори каби экинлардан мўл ҳосил етиштириб, катталар ҳурматини қозонмоқдалар.

Яқинда Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва мелиорациялаш инженерлари институти базасида область мактаблари ўқувчи-ёшлар бригадалари аъзоларининг слёти бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаларининг 450 га яқин аъзоси қатнашди.

Слётда область комсомол комитетининг секретари М. Жалилова сўзга чиқди. Слёт қатнашчилари 1979 йилни зарбдор меҳнат йили деб эълон қилдилар ва барчани доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга даъват этдилар.

БЎКАЛИК ЧЕВАРЛАР АРМУҒОНИ

1978 йили Бўка район марказида Ленин орденли «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-филиали очилган эди. Қишлоқда тикувчилик корхонасининг ишга туширилиши саноат асосларини вужудга келтиришда қувончли воқеа бўлди.

Шу куни бўкалик 100 нафар қиз йигирма беш хилдан ортиқ операцияни бажарадиган мураккаб тикув дастгоҳлари ёнидан жой олишди.

Фабрика очилиши арафасида ўнинчи синфни битирган бу қизлар Тошкент тикувчилик бирлашмаси базасидаги 127-ҳунар-техника билим юртида касб ўрганишди ва малака ошириб қайтишди. Ҳозир бу билим юртида бўкалик яна 50 қиз ўқияпти. Живодёров номидаги Бўка қишлоқ ҳунар-техника билим юртида эса 150 нафар қиз ўз билим ва малакасини оширмоқда.

Яқинда Бўка филиалини янада кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилинди. Ана шунга биноан бу йил яна бир корпус ишга туширилиб, унга ўндан ортиқ дастгоҳ ўрнатилади.

— Яқин келажакда фабрикамиз йирик тикувчилик корхонасига айланади, — дейди филиал директори Дадажон Хожиев. — Бу ерда 2 минг киши меҳнат қиладиган бўлади. Ҳар йили 10 миллион сўмлик турли кийим-бошлар ишлаб чиқарила бошлайди.

Ҳозир филиалда икки тикувчилик цехи мавжуд бўлиб, иш икки сменада ташкил этилган. Чеварлар кунлик нормаларини муntазам ошириб адо этишяпти. Ҳар сменада 200 ўрнига 230—250 та костюм тикилаяпти. Фабриканинг ҳамма участкаларида иш ўзаро мусобақа асосида олиб борилмоқда. Бу яхши самаралар беряпти. Коллектив 1979 йил биринчи квартал планини ошириб адо этди. Пландаги 9650 ўрнига 9941 та костюм ишлаб чиқарилди.

Бўкалик чеварлар «Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз!» — шиори остида меҳнат қилишяпти.

Технолог Озода Иброҳимова, механик Фазлиддин Турсунов, қўли гул чеварлар Муҳаббат Нурматова, Дилором Абдуллаева, Мўътабар Каримова, Фарида Исмонлова сингари зарбдорлар меҳнат қилаётган аҳил коллектив доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига ҳар қачонгидан ҳам кўтаринкилик ва ғайрат билан ишлаяпти. Коллектив коммунистик шанбаликка ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Филиал чеварлари 21 апрель куни зўр уюшқоқлик кўрсатиб ишлаб, 250 та костюм тикиб беришга, яъни шу куни ишлаб чиқаришдан тушадиган 7,5 минг сўм маблағни беш йиллик фрондига тортиқ этишга аҳд қилишган.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.



Пойтахтимиздаги 2-пойафзал фабрикаси коллективи болалар оёқ кийимлари ассортиментини баҳор-ёз мавсумига мўлжаллаб янгилади. Шу кунларда конвейердан чиқаётган кўпчилик болалар пойафзали пишиқ-пухталиги, кўркамлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам янги моделдаги оёқ кийимларни меҳнаткашлар томонидан кўплаб харид қилинмоқда. Суратда: болалар пойафзали тайёрлаш цехи конвейерининг умумий кўриниши.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).



ПОЙТАХТДАГИ экскаватор ремонти заводининг илғор ишчиси Олег Митрофанов смена топшириқларини мунтазам ошириб бажариш билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

А. Тўраев фотоси.

АТЕИСТИК ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

ҚИШЛОҚ меҳнаткашларида материалистик дунёқарашни, юксак сиёсий онгликни, илмий-атеистик эътиқодни шакллантириш ҳозирги кунниинг муҳим масалаларидан биридир. Бу масалани муваффақиятли ҳал этиш учун идеология ходимлари ранг-баранг тадбирларни амалга оширмоқдалар, КПСС XXV съезди дастурларига амал қилиб, «меҳнаткашлар коллективининг фикридан ҳам, матбуотнинг танқидий сўзларидан ҳам, ишонтириш методидан ҳам, қонун кучидан ҳам» фойдаланмоқдалар. Қишлоқда яшовчилар ўртасида амалга оширилаётган бундай тадбирлар, бой тажриба ва ютуқлар билан Мансур Олтиновнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Қишлоқда атеистик тарбия»* китоби таништиради.

Муаллиф мазкур китобида дастлаб марксизм-ленинизм асосларининг динга муносабати, атеистик пропаганда ҳақидаги тавсиялари устида тўхталган. Марксизм-ленинизм диний сарқитлар, хурофий илатларни бартараф этиш, илмий-атеистик материалистик дунёқарашни шакллантириш учун курашда ишончли қурол, дастурулламалдир.

Бошқа соҳаларда бўлгани каби, таълим ва тарбияда ҳам зарурият муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли автор Коммунистик партия, жумладан, республика партия ташкилотининг Октябрь революцияси ғалаба қилган дастлабки кунлардан ҳозирга қадар қишлоқ меҳнаткашларини илмий-атеистик руҳда тарбиялаш мақсадида амалга оширган ва ошираётган ишларига ўрин берган. Китобда партия қарорларини, тавсияларини аҳолига етказишда, хурофот ва жаҳолатга қарши курашда активлик кўрсатган жафокашларнинг, дин ва бидъатни бартараф этиш йўлида ҳалок бўлган фидойиларнинг номларини эҳтиром билан тилга олинган, уларнинг муросасиз синфий курашлардаги матонати ва жасоратини, ғозавий изчиллигини намуна сифатида келтирилган. Ниҳоят, диний сарқитларнинг сўниб бориши, барҳам топиши манзарасини муваффақиятли чизилган.

КПСС XXV съезди материалларида инқилобий фаникизм олдида турган вазифалар турмуш билан жуда чамбарчас боғлангандагина ҳал қилиб борилиши мумкин, дейилган. Мазкур рисолада ҳам масаланинг худди шу томонига алоҳида эътибор бериб, яхши иш қилинган. Республикамиз қишлоқларида диний, хурофий сарқитларнинг намоён бўлиш шакллари, диний урф-одатлар меҳнаткашлар, қишлоқда яшовчилар турмушида ҳануззгача сақланиб қолишининг сабаблари ўрганилган, қишлоқ аҳолисининг умуман диний сарқитлар ва атеизмга муносабати, диндорлик даражаси аниқланган. Расмий руҳонийлар, мулла ва эшонларнинг меҳнат аҳлига, айниқса, қишлоқ ёшларига исломни юқтириш учун йўналтираётган тадбирлари асосли танқид қилинган. Китобхонлар диққати ҳозирги руҳонийлар «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» қабилида иш тутаётганликларига қаратилган, руҳонийлар диний маросимларни усталик билан замон руҳига мослаштириб, ислом таъсирини бундан кейин ҳам сақлаб туришга интилаётганликларини таъкидлаган.

Муаллиф қишлоқларда диний сарқитлар ва диндорликнинг даражасини аниқлаш билан кифояланмаган, у шундай сарқитларни бартараф этиш методи ҳақидаги марксча-ленинча таълимотга мурожаат этиб, қишлоқ аҳолиси ўртасида илмий-атеистик пропаганда фақат ишонтиришга, билмаганини билдиришга асосланиши лозимлигини, илмий танқиднинг ўткир тиғи диндорнинг ўзига эмас. балки унинг тушунчасидаги мавҳум ва туманли жиҳатларни ёритишга, бартараф этишга қаратилиши лозимлигини қайд қилган. Амалий аҳамиятга молик бундай тавсиялар китобда кўплаб учрайди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Илмий-атеистик пропаганда иши кўпинча билимдон, тажрибали атеист кадрлар масаласи билан, уларнинг жойлардаги актив фаолияти билан узвий боғлиқдир. Илмий-атеистик пропагандани юритишда қишлоқ зиёлиларининг ролига алоҳида ўрин ажратган, муаллиф уларнинг диний хурофот ва эскилик сарқитларини бартараф этишга қаратилган фаолиятини тасвирлаган, илмий-атеистик пропаганда соҳасида, айниқса, диндорлар билан яккама-якка суҳбат ўтказиш борасидаги ютуқларини, ўрганса арзигулик, тадбирлар ва мақтовга лойиқ тажрибаларни тасдиқловчи конкрет мисоллар келтирган.

Айни замонда рисолада маҳаллий руҳонийларнинг фаолиятига эътибор берилган. Уларнинг таъсирига берилган айрим кишилар, ҳатто ўқувчи ёшлар борлигини, бу атеистик тарбияда йўл қўйилган камчиликлар оқибати эканлиги қайд қилинган.

Диний сарқитларни бартараф этиш ниҳоятда мураккаб иш. Бу ишнинг муваффақиятини таъминлаш учун мавжуд воситаларнинг барчасини ишга солиш, КПСС XXV съезди материалларида уқтирилганидек, бутун тарбия ишини комплекс тарзда олиб бориш лозим. Автор қишлоқда атеистик тарбиянинг ҳозирги аҳволини ўрганар экан, масаланинг худди шу томонини синчковлик билан ҳисобга олган. Қишлоқ меҳнат аҳлларини ғозавий, сиёсий, атеистик ва аҳлоқий жиҳатлардан тарбиялашда маданий-оқартув муассасалари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, қишлоқ партия ташкилотининг хизматларини юксак баҳолаган. Илмий-атеистик пропаганда ва тарбия республика партия ташкилотлари ғозавий фаолиятининг таркибий қисми бўлиб келганлиги ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолажагини қайд қилган.

Рисолада юқорида тилга олинган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам учрайди.

Муаллиф китобхонни бу асар республика қишлоқларида ўтказилган социологик тадқиқот материалларига асосланиб ёзилганлигига ишонтиришга ҳаракат қилган, лекин ишонтиролмайди. Диндорларни типларга ажратади, лекин диндорлик даражаси диннинг қайси жиҳатларига нисбатан белгиланиши масаласини четлаб ўтади. Юзаки кузатишларга асосланиб, фақат диний байрамлардагина маълум урф-одатларни бажарадиган кишиларни ҳам диндор ҳисоблайди, уларни «мавсумий диндор» деб атайди. Бундай диндорларнинг мавжудлигини қишлоқ шароитида кишиларнинг ҳайит намозига қатнашиши, қурбонлик қилиши, қишлоқ аёлларининг қабристонларга кўплаб бориши фактлари билан тасдиқлашга уринади. Бизнингча, диндорлик даражасини юқоридагилар билан белгилаш, диний урф-одатларни муайян моментларда бажарувчиларни «мавсумий диндорлар» деб аташ унчалик асосли мезон эмасдир.

Ривожланган социализм шароитида расмий руҳонийларнинг исломни замона руҳига мослаштираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин, бу ишни амалга оширишда руҳонийлар қандай усул ва воситалардан фойдаланаётганликларини исботловчи фатволарнинг танқидий таҳлили китобда келтирилмаган.

Ҳозир республикамизда қишлоқда атеистик тарбия масалалари билан бевосита алоқадор диссертациялар, монографиялар ва бошқа илмий асарлар мавжуд, уларда қишлоқда атеистик тарбиянинг конкрет томонлари қамраб олинган ва муваффақиятли ёритилган. Афсуски, тақриз қилинаётган китобнинг автори юқоридаги асарлар билан яхши танишмаган. Натижада кўпчиликка илгаригидан маълум ҳақиқатлар баён этиш услубида эмас, балки мазмуни жиҳатидан китобда қайта такрорланган.

Юқоридаги камчиликларга қарамай, мазкур китобча қишлоқ меҳнаткашларини атеистик руҳда тарбиялаш йўллари ва воситаларини ишга солиб, бу тарбиянинг таъсирчанлигини оширишга ёрдам беради.

А. ОРТИҚОВ,
философия фанлари доктори,
Х. РАҲИМОВ,
катта ўқитувчи.

* М. ОЛТИНОВ. Қишлоқда атеистик тарбия. «Ўзбекистон» нашриёти, 1978 йил.

ЧИГИТНИ ЕР НАМИГА ТЕКИС УНДИРИБ ОЛАМИЗ



ҚОЛХОЗИМИЗ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумларда қилган доклади ва сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулоса ва йўл-йўриқларга қатъий амал қилган ҳолда 1979 йил кўкламги ишларни қизитиб юбордилар. Биз партия ва ҳукуматимиз қарорлари асосида беш йилликнинг охиригача мўлжалланган конкрет иш программасини тузиб олдик. Белгиланган тадбирларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳалари комплекс қамраб олинган.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида минг гектар майдонда пахта етиштирамиз. Бу эса деҳқонларимизнинг она Ватан хирмонига 3500 тонна оқ олтин етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини тўла бажаришга ишончли асос бўлади. Бундан ташқари бу йил давлатга 1260 тонна дон, шу жумладан 850 тонна маккажўхори дони, 395 тонна арпа етиштириш планлаштирилган. Эл дастурхонига 2720 тонна қовун-тарвуз, 105 тонна мева етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Қишловни муваффақиятли ўтказган чорвадорларимиз бу йил зардоб меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Улар ҳам 1979 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Қорамоллар сони 560 бошга, шундан соғин сигирлар сони 220 бошга етказилади. Етти хазинанинг бири бўлган паррандачиликни кескин ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Уларнинг сони 1500 тага етказилади. Шундан 1200 тасидан йил давомида тухум олинади.

Бу йил 78 тонна гўшт, 617 тонна сут ва 101 минг дона тухум етиштириб, давлатга 54 тонна гўшт, 392 тонна сут ва 60 минг дона тухум сотишимиз керак. Бу юксак мажбуриятларни бажариш учун барча резерв ва имкониятларни тўла ишга солишга ҳаракат қилаётган чорвадорларимиз биринчи квартал топшириқларини ортиғи билан бажардилар.

Турғун Мирзакаримов бошлиқ маккажўхоричилик

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

бригадаси аъзолари қулай агротехник муддатларда сифатли қилиб экилган ва бир текис униб чиққан майсаларга ишлов беришни бошлаб юбордилар. Улар бу йил ҳар гектаридан камида 90 центнердан «қаҳрабо дон» ва 400 центнердан силосбоп поя олишга сўз беришган. Ҳозир парвариш ишлари ана шу улкан мажбуриятлар асосида ташкил қилинмоқда. Биринчи ишлов ва озиқлантириш тугалланди.

Пахтачилик хўжалигимиздаги етакчи тармоқ бўлганлиги учун бу соҳага одатдагидек алоҳида эътибор бераётирмиз. Бу йилги мўл пахта ҳосили учун замин яратишни ўтган йил кузидаёқ бошлаб юборган эдик. Ҳамма экин майдонлари 35—40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди. Кам ҳосилли 300 гектар майдонга 30 тоннадан чириган гўнг ва ернинг ҳолатига қараб 350 килограммдан 1000 килограммгача аммофос ҳамда суперфосфат солинди.

Пахта ҳосили учун замин яратишни ўтган йил кузидаёқ бошлаб юборган эдик. Ҳамма экин майдонлари 35—40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди. Кам ҳосилли 300 гектар майдонга 30 тоннадан чириган гўнг ва ернинг ҳолатига қараб 350 килограммдан 1000 килограммгача аммофос ҳамда суперфосфат солинди.

Ўтган йили қарийб 100 гектар майдонда пахта ҳосилдорлиги 14—16 центнерни ташкил этди. Бу йил ана шу майдонларни шудгорлашдан олдин унинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, гектар ҳисобига 40 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Шу майдонлардан ҳам бу йил камида 32 центнердан хирмон кўтаришни мўлжалламоқдамиз.

Хўжалигимизда ўз касбининг устаси бўлган моҳир пахтакорлар, тажрибали бригада бошлиқлари кўпчиликни ташкил этади. Ана шулардан бири бўлган Жуман Сайдаев раҳбарлигидаги бригада бир неча йилдан бери адирликлардан иборат ерларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Бу йил ҳам улар 112 гектар майдонга қисқа муддатда сифатли уруғ ташлаб 40 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Улар билан ёнма-ён жойлашган Турон Рустамов бошлиқ бригада аъзолари ҳам 40 центнерлик маррани эгаллашга сўз беришган.

Уста пахтакор Нафил Исмонлов етакчилигидаги бригада коллективи 50 центнерчилар сафига қўшилди. Бу бригада далаларида шу юксак мажбуриятга яраша барча дала ишлари намунали уюштирилган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1979 йилги ҳосилни йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш ҳамда 1979—80 йил даврида чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорини колхозчиларимиз мамнуният билан кутиб олдилар. Ушбу қарорда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ва чорвачиликни кескин ривожлантириш соҳасидаги асосий йўл-йўриқлар аниқ кўрсатиб берилган. Шунга амал қилаётган пахтакор ва чорвадорларимиз зиммадаги юксак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун ўзаро меҳнат беллашувини қизитиб юбордилар.

«Оқ олтин» ҳосилдорлиги камида 35 центнерга етказилади. Ҳосилнинг 90 проценти машиналарда йиғиштириб олиниб, пахта таннархи арзонлаштирилади. Етиштирилган пахтанинг ҳаммасини юқори сортларга топшириш ҳисобига соф даромад кўпайтириладн.

Чорвадорларимиз ҳар бош соғин сигирдан камида 3200 килограммдан сут соғиб олиб, бўрдоқига боқилаётган молларнинг ўртача тирик вазнини 440 килограммга етказадилар. Бу бизнинг шароитимизда яхши кўрсаткичдир.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз раиси.





ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Коммунист» колхозининг Лида Вольф бошлиқ 2-бригадаси сабзаворкорлари экиш ишларини қулай агротехника муддатларида тугаллаб, шу кунларда эртаки экинларга сифатли ишлов беришни қизитиб юбордилар. Суратларда: (ўнгда) сувчи Ҳ. Убайдуллаев карамга сув тарамоқда; (чапда) пиёзга ишлов бериш пайти. Олдинда бригада бошлиғи Лида Вольф.

Ф. Абдурасулов фотолари.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ХАЛҚ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

КОБУЛ, 16 апрель. (ТАСС). Афғонистоннинг бутун меҳнат аҳли ташқи реакциянинг Афғонистон революцияси ғалабаларига қарши қаратилган кирдикорлари хусусида Афғонистон Демократик Республикаси ҳукуматининг кейинги вақтларда қилган баёнотларини кенг қўллаб-қувватламоқда. Кобулда олинаётган хабарларда айтилишича, кейинги кунларда мамлакатнинг қарийб ҳамма вилоятларида кўпдан-кўп митинг ва намойишлар бўлди. Неча ўн минглаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг вакиллари империализм томонидан қўллаб-қувватланаётган реакциянинг Афғонистон Демократик Республикаси ички ишларига аралашувини қатъиян қоралашдилар.

Бахтар агентлиги хабар беради: мамлакатнинг шарқидаги Кунар вилояти маркази Асадобод шаҳрида катта намойиш бўлди. Шаҳар меҳнаткашлари Покистон территориясидан ҳаракат қилаётган реакционер шайкаларнинг қуролли хуружларини кескин қоралашдилар. Улар Апрель революциясини тўлақонли қўллаб-қувватлаймиз, ўз ватанимизни ҳимоя қилишга шай бўлиб турибмиз, дедилар.

Бағлон шаҳрида ўтказилган оммавий митинг Апрель революцияси ғалабалари қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди. Мамлакатдаги таниқли сиёсий арбоблардан бири Мавдавий Абдул Хож Мухтож митингда сўзга чиқиб, Афғонистон Демократик Республикаси ташқи душманларининг агрессив ҳаракатларини ва Апрель революциясининг ғалабаларига путур етказишга интилаётган реакцион «мусулмон биродарлар» ташкилотининг кирдикорларини қоралади. Ватанпарвар руҳонийлар, деб таъкидлади у, революцион ҳукуматнинг афғон халқини реакция кирдикорларидан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларини қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар.

«Кабул Таймс» газетаси ёзади: буржуа пропагандистлари ва империализм малайлари Афғонистонда халқ тузуми ўрнатилиши натижасида ўз манфаатларини ҳавф остида қолганлигини билиб, Афғонистон Демократик Республикаси давлат ҳокимияти билан халқ оласига катта нифоқ солишга ҳар қандай йўллар билан уринмоқдалар. Афғонистон Демократик Республикасида халқ билан ҳокимият ялит бир куч эканлиги, давлат халқ манфаатларини қўзлаб прогрессив тадбирларни амалга ошираётганлиги ва халқ бу давлатни қўллаб-қувватлаб, ўз юртини империализмнинг, халқаро реакциянинг ва уларга малайлик қилаётганларнинг ҳамласидан ҳимоя қилишга тайёр эканлигини изҳор қилаётганлиги реал ҳаёт ва давлатнинг тадбирларидан яққол кўриниб турибди, деб таъкидлайди газета.

ВЬЕТНАМНИНГ ОСМОН ЧЕГАРАСИНИ БУЗИБ УТДИЛАР.

ХАНОЙ, 16 апрель. (ТАСС). ВСР ташқи ишлар министрлигининг хабар қилишича, кеча маҳаллий вақт билан соат 14 дан 30 минут ўтганда Хитой ҳарбий ҳаво кучларининг таниқли белгилари қўйилган 3039 номерли жанговар самолёт ВСРнинг осмон чегарасини бузиб ўтиб, Вьетнам территориясида ерга қулаб тушди. Вьтнамнинг ердаги хизмат органлари бузғунчи самолётни дарҳол кузата бошлаган эдилар, бу самолёт доира шаклида учгач, Намдинь шаҳридан (Ханамнинь вилояти) 25 километр жанубдаги Хайхау уезднинг Чукфу жамоаси районига қулади. Учувчи ҳалок бўлди.

ВСР ташқи ишлар министрлиги ХХР ташқи ишлар министрлиги номига нота йўллаб, Вьетнамнинг суверенитети ва территориал бутунлиги қонунга хилоф равишда бузиб ўтилганлигига қарши кескин норозилик билдирди ва Хитой томонидан иккала мамлакатнинг делегациялари ўртасида бўладиган музокараларни чигаллаштирмаслик учун бундай ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилди, деб уқтирилади ахборотда.

ВСР ташқи ишлар министрлиги Вьетнам томони ҳисобига юзасидан Хитой учувчисининг жасадини Хитой маъмурларига топширишга тайёр эканини ҳам Хитой томонига маълум қилди.

САЛЬВАДОРДА РЕПРЕССИЯЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

САН-ХОСЕ, 16 апрель. (ТАСС). Сальвадорда тескарички диктатор генерал Карлос Умберто Ромероннинг қилган жиноятлари тўғрисида янги-янги фактлар ошкор бўлмоқда. Сальвадор халқ революцион иттифоқининг бу ерда эълон қилинган баёнотида уқтириб ўтилганидек, кейинги вақтларда Ромеро тўдаси меҳнаткашларнинг ва бутун халқнинг ўз ҳуқуқлари учун кучайиб бораётган курашини бостиришга уриниб, прогрессив кучларни чинакам қувғин қилиш авж олди. Сан-Сальвадордаги «Адок» пойафзал фабрикасида иш ташлаганларнинг ваҳшийларча жазоланиши диктаторнинг қилган навбатдаги қабиҳ ҳаракатларидан биридир. Ишчилар иш ҳақининг оширилишини, турмуш ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилган эдилар. Полициячилар учта броневикка тушиб, ишчилар ишғол этган фабрика территориясига бостириб кирдилар, уларни ваҳшийларча калтакладилар. Бир неча киши ўлдирилди.

Баёнотда, шундай қонли воқеалар Какао аҳоли пункти районида ҳам юз берди, дейилади. Бу ерда ҳаддан ташқари оғир турмуш шароитига қарши норозилик билдириш учун юзлаб деҳқонлар тўпланган эди. Миллий гвардия солдатлари намойишчиларни қуршаб олдилар ва уларга қараб пулеметлардан ўқ уздилар. Бир неча киши ўлди, ўнлаб киши ярадор бўлди. Шундан кейин атроф-теваракдаги қишлоқ аҳолисига нисбатан ҳам шундай жазо операциялари ўтказилди.

Халқ революцион иттифоқи қонли репрессияларни кескин қоралади. Сальвадор халқини террорга жавобан реакцион тўдани ағдариб ташлаш учун, мамлакатда демократик тузумни барқарор қилиш учун курашни кучайтириш билан жавоб беришга чақирди.

ЗИДДИЯТ КУЧАЙМОҚДА

ТОКИО. Япония ташқи ишлар министри С. Сонода министрлар кабинетининг мажлисида ўзининг Вашингтонда олиб борган музокараларининг якунларини маълум қилди. Илгари хабар қилинганидек, ана шу музокараларда Япония—Америка савдо-сотиқ муносабатларининг аҳволи ҳамда АҚШнинг иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқда вужудга келган номутаносибликни тенглаштириш мақсадида Япония—Америка молларини ҳарид қилишни кескин кўпайтирсин, деган талаби муҳокама этилган эди.

Япон матбуотининг ёзишича, Бош министр М. Охиранинг АҚШга визити бошлангунга қадар Япония конкрет қарор қабул қилишини АҚШ ультиматум тарзида қистаган. Япония бош министрининг АҚШга визити шу йил май ойининг бошларига белгиланган.

Министр визитининг якунларини муҳокама қилиш чоғида Япония ҳукумати аъзолари ўртасидаги ихтилофлар маълум бўлиб қолди. Мажлисда океан ортидаги музокарадошининг талаблари хусусида ҳеч фикрга эришилмади.

(ТАСС, 16 апрель).

АДРИАТИКА СОҲИЛИДА ЗИЛЗИЛА

БЕЛГРАД, 16 апрель. (ТАСС). Кеча кучли зилзила бўлган Черногориянинг Адриатика соҳилида бугун 12 балли шкала бўйича 7 балл куч билан ер ости силкинишлари содир бўлди. Зилзила маркази Улцинь шаҳри яқинида эди.

ТАНЮГ агентлигининг хабар қилишича, Черногорияда кеча содир бўлган зилзила вақтида 100 дан ортиқ киши ҳалок бўлган, катта моддий зарар етган. Табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан шошилинч чоралар кўрилмоқда. Шикаст кўрган районларга медицина ходимлари, шунингдек дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат юборилди. Қутқарув ишлари актив олиб борилмоқда.

ЮСФР президенти, ЮКС Раиси И. Броз Тито ва Югославиянинг бошқа раҳбарлари зилзила районига бордилар. И. Броз Тито телевиденне орқали гапириб, мамлакат меҳнаткашларини бирдамлик кўрсатишга ҳамда зилзила оқибатларини тезроқ тугатишда Черногорияга ёрдам беришга чақирди.

* * *

Албания телеграф агентлиги — АТАнинг хабар қилишича, кечаги зилзиланинг ер ости силкинишлари кучи Тиранада 12 балли шкала билан 5 балл бўлди. Албания-Югославия чегараси районларида эса 8 балла етди. Агентлик эълон қилган маълумотларга кўра, зилзила вақтида 35 киши ҳалок бўлган, 6 мингдан ортиқ уй-жой биноси ва бир қанча саноат объектлари вайрон бўлган.

(ТАСС, 16 апрель).

СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ ВА МУАММОЛАР

ҚИШИН-ЕЗИН БЎЛАДИ

БЕРУНИЙ шаҳрида қурила бошлаган омборга 300 тонна сабзавот кетади. Унинг ишга туширилиши билан шу беш йилликдаёқ болалар боғчалари, касалхоналар ва магазинларни йилнинг исталган вақтида янги сабзавотлар билан таъминлаб туриш мумкин бўлади. Қорақалпоғистоннинг ҳамма район марказларида шундай типовой омборлар қурилянти.

«ЗИЛ»ДА СТАЖИРОВКА

«ҚАРШИСТРОЙ»НИНГ ўқув комбинатида шоферликни ўрганаётган ёш чўлқуварлардан 90 киши Москвада «ЗИЛ» заводига йўлланма олдилар. Улар машҳур автозаводда икки ой ишлайдилар. Натижада машина конструкциясини чуқурроқ ўрганиб оладилар. «Қаршистрой» ҳар йили машина қайдовчиларни заводда стажировкадан ўтказиш тўғрисида «ЗИЛ» билан шартнома тузди.

КЕМАЛАР ЭРКИН СУЗАДИ

МЎЙНОҚ денгиз портига иккита сузувчи экскаватор ва земснаряд келди. Улар бу ерда чуқурлаштириш ишларини бошлаб юборди. Ярим миллион куб метр чамаси ер ковлаш мўлжалланади. Шу туфайли кемаларнинг маневр қилиши учун жуда яхши шароитлар вужудга келади. Орол Мўйноқ линиясидаги ишлар яхшиланади.

АБАДИЙ САФДА

АНДИЖОН денгизи қурувчиларининг «социалистик мусобақа экрани»да Анатолий Мерзлов номи ёнида ҳар куни смена топшириғи 114, 112, 115 процент бажарилди деган ёзув пайдо бўлади. Бутунittифоқ зарбдор комсомол қурилиши бўлган темир-бетон буюмлар заводининг ёш ишчиларидан бир юз саксон киши ғаллазордаги ёнғинни ўчиришга чоғида ҳалок бўлган қаҳрамон комсомолни ўз сафларига қабул қилдилар. Анатолий Мерзлов Рязань областининг Шчетиновка қишлоғида туғилиб ўсган. Бу ёш ишчилар ўз нормаларини ошириб бажара туриб, номи ВЛКСМ Марказий Комитетининг Ҳурмат китобига абадий ёзиб қўйилган ўз ўртоғи учун ҳам меҳнат қиладилар. (ЎзТАГ).

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ БРОЙЛЕР ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАСИДА ҚОЛОҚЛИКДАН ЧИҚИШ УЧУН ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАР ҚЎРИЛМОҚДА?

Тошкент область партия комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорлари асосида гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилар экан, ҳозирда мавжуд бўлган еттита паррандачилик фабрикаси ва хўжалиги ҳамда парранда гўшти етиштиришга ихтисослашган учта корхонадаги ҳақиқий аҳволни, партия белгилаб бераётган кўрсатма ва йўл-йўриқлар қандай бажарилаётганлигини талабчанлик билан чуқур таҳлил этди. Айрим хўжаликлар қатори Янгийўл район бройлер-паррандачилик фабрикаси фаолияти ҳам жуда қониқарсиз эканлиги кескин танқид остига олинди.

Биринчи навбати 1972 йилда ишга туширилган фабрика янги очилган жўжаларни 70 кун давомида парвариш қилиб, ҳар бирининг ўртача тирик вазнини 1,2 килограммга етказиши ва шу йўл билан йилига 1400 тонна гўшт етиштириши лозим эди. Аммо, ишонч оқланмади. Орадан ўтган етти йил давомида ҳам бирон марта план бажарилмади. Бунинг конкрет сабабларини очиб бериш учун гапни йўл қўйилган нуқсонлардан бошлашга тўғри келади.

Цехлар лойиҳасини тузиш, ускуналарни танлаш ва ўрнатишда табиий иқлим шароити ҳисобга олинмаган. Товуқхоналардаги ҳавони мўътадил сақлайдиган вентиляция ускуналари йўқ. Сувни илитиб берадиган қозонхона яхши ишламай, қаҳратон қиш ойларида трубалар музлаб қолиб, паррандалар сувсиз қоларди.

Раҳбар ва мутахассис кадрлар ўз вазифаларига виждонан муносабатда бўлмай, ферма ходимларига нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганлар. Умумий иш учун ҳеч ким жон куйдирмай қўйди. Фермада хўжасизлик, пала-партишлик, ҳатто талон-тарож авж олди. Цехлар қаровсизлик оқибатида ифлосланиб, ветеринария ҳолати бузилди. Турли касалликлар тез-тез тарқалиб паррандалар сони кескин камаядиган бўлиб қолди.

Меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги туфайли прогулчилик одат тусига кирди. Кўп вақт қаровсиз қолган паррандаларнинг суткалик семириш кўрсаткичлари пасайиб кетди. Маҳсулот етиштириш ва сотишнинг тайини бўлмаганлиги учун ишчиларнинг ойлик иш ҳақлари 60—70 сўмга тушиб қолди. Меҳнатни рағбатлантириш яъни мукофот пули ҳеч кимнинг эсига ҳам келмасди. Оқибатда кадрлар қўнимсизлиги кучайди.

Фермада доимий ҳукм суриб келган бундай нохуш аҳвол хўжаликни бутунлай изидан чиқишга олиб келди.

Ферманинг янги директори Рустам Аҳмедович Шафиевнинг таъкидлашига кўра ўтган йил кузда касаллик кенг тарқалиб паррандалар кўплаб қирилиб кетди. Буни 1978 йил кўрсаткичлари ҳам яққол исботлаб турибди.

Ўтган йили план бўйича 2180 тонна гўшт етиштирилиши лозим эди. Амалда эса 691,5 тонна гўшт етиштирилди. Тухум етиштириш плани эса 37,5 процентда қолиб кетди. Жўжалар бир суткада 16,3 грамм ўрнига 6,3 граммдан семиртирилди, холос. Бусиз ҳам давлатдан 1,5 миллион сўм қарз бўлиб турган фабрика бир йилда яна 1,4 миллион сўм зарар кўрди.

Коллектив меҳнатини баҳолайдиган асосий кўрсаткичлар шундай бўлгач, бошқа кўрсаткичларни келтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта.

Энди шу йилнинг биринчи кварталида қилинган ишлар натижасини аввалги аҳвол билан таққослаш мақсадга мувофиқдир.

Шу йилнинг дастлабки уч ойида 158 тонна ўрнига 245,7 тонна гўшт етиштирилиб, квартал плани 155,5 процент бажарилди. Жўжалар бир суткада 16,5 грамм ўрнига 20 граммгача семирди. Ҳатто, айрим илғор цехларда ўртача семириш 24 граммга етди. Натижада гўштга топширилаётган паррандаларнинг ўртача вазни белгиланганидан 500—600 грамм юқори бўлди. 70 кун давомида гўштга боқилаётган паррандаларнинг 85 процентини сақлаб қолиш планлаштирилган. Амалда эса, 95 проценти сақлаб қолинмоқда.

Фермада 28 та бройлер цехи бор. Ҳар бирида 20 мингдан парранда боқилади. Битта цех 70 кундан сўнг 19 тоннадан гўшт топириши керак. Биринчи квартанда эса ҳар бир цех ўртача 24 тоннадан гўшт берди.

Утган 3 ойлик қисқа муддат ичида ана шундай кескин бурилиш юз берган экан, бунинг сири нимада?

Область партия комитетининг чорвачиликка бағишланган пленумида паррандачиликни юксак суръатлар билан ривожлантиришга эришиш — қисқа муддатли, мавсумий иш эмаслиги, бу ишни ҳамиша, астойдил, собиткадамлик билан олиб бориш зарурлиги уқдирилди. Пленум қарори ва шу пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг сўзлаган нутқида кўрсатилган йўл-йўриқлар асосида тубдан яхшилашга қаратилган янги ва конкрет тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширишга киришилди.

Биринчи галда мавжуд барча цехларни қайта қуриш бошлаб юборилди. Цехларга «Климат-45» ва «Климат-47» маркали ҳаво ҳайдагичлар ускуналари ўрнатила бошланди. Натижада цехларда ҳаво янгиланиб, ҳарорат мўътадил бўлганлиги учун касаллик барҳам топди. Паррандалар соғлом ва тез ўсмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Товуқхоналарга сув келадиган тармоқлар тартибга солинди. Озуқа ва сув белгиланган вақтларда бериладиган бўлди. Илгари эса сув билан таъминлаш, озуқа тарқатиш тартиби кечиктириб юборилар, цехдаги 20 минг товуқ сув ва донга ёппасига интилиб бирбирини нобуд қиларди.

Цехларни қайта қуриш билан бир вақтда асосий иш участкалари юқори малакали ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган мутахассислар, жон куйдириб ишлайдиган кадрлар билан мустаҳкамланди, ўз вазифасига ҳалол муносабатда бўлмаётган масъулиятсиз кишиларга нисбатан кескин чора қўрилмоқда. Ишчиларнинг меҳнат активлигини, ўз иш натижасига нисбатан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида социалистик мусобақанинг таъсирчан кучидан фойдаланиш зарур эди. Бунинг учун учта цех бир звенога, уч звено бир бригадага бирлаштирилиб, бу коллективлар ўртасидаги ўзаро меҳнат беллашуви йўлга қўйилди.

Мусобақани жонлантириш, бу ҳаракатга ҳаммани оммавий жалб этиш учун маънавий рағбатлантириш воситалари ва пул мукофотлари — коллективнинг умумий йиғилишида тантанали вазиятда топширилмоқда.

Ҳозир фабрика ишчиларининг ойлик иш ҳақлари 110—120 сўмдан кам бўлмаётир. Бундан ташқари улар ҳар квартал якунида ўртача 200 сўмдан мукофот олишаётир. Демак, ишчилар маоши ўтган йилги 60—70 сўмдан 160—170 сўмга кўтарилди. Натижада фабрикада ишлаш истаги билан келаётган кишилар кўпайди. Кадрлар қўнимсизлиги барҳам топди.

Бугунги кунда фабрикада реконструкция қилиш ишлари тугалланмаган 10 та цех қолди холос. Мавжуд 54 та цехда жами 450 мингдан зиёд парранда боқилмоқда. Шундан 337 мингтаси гўшт учун боқилмоқда. Бу йил фабрика иккинчи навбати қуриб битказиладн.

Область партия комитети пленумида шундай рақам келтирилган: тухум берадиган битта товуқдан икки йил мобайнида 230—250 килограмм гўшт олиш мумкин. Буни тушуниш қийин эмас. Масалан, товуқ ҳар йили 150 тадан тухум берса, шундан юстасини очириш учун қўйиб жўжа олинса ва тирик вазни 1,2 килограммга етгунча боқилса, икки йилда 240 килограмм гўшт бўлади. Бу масалага ҳам фабрикада ижодий ёндашилмоқда.

Илгари бройлер гўшт етиштириш учун тухум Болтиқ бўйи республикалари, Москва ва Ленинград шаҳарларидан олиб келинарди. Тухумнинг бир қисми нобуд бўлишдан ташқари йўл ҳаражатлари кўпайиб, бир дона тухум 40 тийиндан 80 тийингача тушар эди. Фабрика цехлари реконструкция қилина бошлангандан сўнг инкубатория ишлари яхши йўлга қўйилиб, тухумнн шу ерда етиштириш бошлаб юборилди. Эндиликда бир дона тухум 7—8 тийинга тушмоқда.

Маълумки, бугунги кунда барча корхона, муассаса ва ташкилотларда ёрдамчи хўжалик сифатида чорвачилик фермалари ташкил этиш оммавий тус олаётир. Бундай хўжаликлар фабрикага зотли жўжалар етказиб беришни илтимос қилмоқдалар. Фабрика коллективи ўз хўжаликларини тўла таъминлашдан ташқари барча районларга, хатто, қўшни областларга ҳам жўжалар етказиб бера бошлади.

Областдаги энг қолоқ хўжаликлардан бири бўлиб келган фабрика бу йилдан бошлаб аста секин юксалиш йўлига ўтиб олди. Бироқ бу йўлда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар оз эмас. Ана шулардан бири корхонани етарли миқдорда озуқа билан таъминлашдир. Тўғри, озуқа талаб даражасида ажратилмоқда. Бироқ уни ташиб келтиришда қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Фабрикада бир кунда ўртача 40 тонна ем сарфланади. Лекин Янгийўл темирйўл станциясига кунига келаётган ем-хашак ҳисоб-китобларга қараганда бундай темирйўл қуришга сарфланган маблағнинг ўрнини қисқа муддатда бемалол қоплаш мумкин.

Бройлер-паррандачилик фабрикаси атрофида 300 гектардан зиёд баланд-паст ерлар фойдаланилмай бекор ётибди. Илгари шу фабрикага қарашли бўлган бу ерларни кейинчалик фабрика раҳбарлари кўшни колхозларга бериб қўйишди. Энди эса бу ерларни ўзлаштириб, сув келтириб, витаминли ўт уни тайёрлаш учун зарур бўлган экинлар экиш режаси тузилмоқда.

Фабрикада ишлаётган паррандабоқарларнинг кўпчилиги бу ердан узоқда яшашади. Уларни олиб келиш ва ишдан сўнг олиб бориб қўйиш масаласи ҳам тезроқ ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан биридир. Автобуслар етишмайди. Паррандабоқарлар учун қурилган турар-жойлар эса ҳозирча етарли эмас. Бу посёлкани яқин бир-икки йил ичида кенгайтириш, шинам квартиралар қуриш, бунинг учун эса етарли миқдорда капитал маблағ ажратиш зарурати туғилаётир.

Фабрика аста-секин оёққа турмоқда. Бундан буён унинг олдидаги муаммолар мумкин қадар тезроқ ҳал этилиши зарур.

А. ИЛЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

З. ҚУРТНЕЗИРОВ.
«Янгийўл» газетаси редактори.

Яшил бойликлар кўпайсин

Саранжом-саришта, озода, шаҳар ёки қишлоқни ким севмайди дейсиз. Унинг сўлим табиати, анвойи гулларга бурканган бўстонлари, оромбахш хиёбонлари ҳар қандай кишининг қалбида ҳам нозик ҳисларни жўштириб, унга тетиклик, янги куч ва илҳом бағишлайди. Қолаверса бу масканларни кўкаламзорларга буркаш, обод қилиш орқали минг-минг кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаган бўламиз. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз йил сайин шаҳар ва қишлоқларга яшил либос кийгизиш, уларнинг санитария аҳволини яхшилаш борасида алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг уч йили ичида областимизда ана шу мақсадлар учун маҳаллий советларнинг 10,6 миллион сўмлик, корхоналар, ташкилотларнинг қўшган ҳиссалари билан биргаликда 19,5 миллион сўмлик маблағи сарфланди. Кўчаларни асфальтлаш, йўлакларни ҳамда йўлларни ремонт қилиш, янги кўприклар қуриш, суғориш шохобчаларига бетон қопламалар ётқизиш, уларнинг атрофларини кўкаламзорлаштириш кўчаларга чироқлар ўрнатиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Шаҳарлар, район марказлари, шаҳар типидаги посёлкаларни ободонлаштириш масалалари халқ депутатлари Маҳаллий Советларининг ҳамиша эътиборида. Бу борада Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари мақтовга арзигудек ишлар қилмоқдалар. Уларнинг меҳнати Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Республика Министрлар Совети ва «Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Бу шаҳарлар Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги коллегиясининг ҳам қатор мукофотларига сазовор бўлдилар. Кейинги йиллар ичида Оққўрғон, Янгийўл, Бўка районларида ҳам ободончилик ишлари яхши йўлга қўйилди.

Областимизда кўкаламзорлаштириш қай тарзда амалга оширилмоқда? Бу саволга бундан беш, олти йил аввал жавоб бериш анча қийин эди. Энди қийин эмас. Областдаги жуда кўплаб шаҳарлар ва районларда кўкаламзорлаштириш хўжалиги комбинатлари вужудга келди ва улар гул кўчатлари, ниҳолларни йил сайин кўплаб етиштириб бермоқдалар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва коммунал хўжалик органлари ободонлаштириш ишларини олдиндан ҳар бир шаҳар ва район учун ишлаб чиқилган тадбирлар асосида олиб бораётирлар. Бу мақсадда ободонлаштириш план ва схемалари тайёрланган. Кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш бўйича ўтказилаётган ойликлар ҳам бу ишда катта ёрдам бўлаётир. Утган йили ана шундай ойликлар давомида 790 минг киши ва 8 минг механизм қатнашди. Уларнинг ёрдамида парклар, хиёбонлар, турар-жойлар атрофлари, корхона ва ташкилотларнинг территориялари тартибга келтирди.

Аммо, ҳамма жойда ҳам ободончиликка етарли эътибор берилаяпти деб бўлмайди. Хусусан, Оҳангарон, Пискент, Оққўрғон, Ғалаба районларида ҳар йили кўкаламзорлаштириш ва санитария аҳволини яхшилаш бўйича планлар тузилади-ю, лекин уларни амалга оширишни ҳеч ким назорат қилмайди. Натижада бу районларда ободончилик ишлари ҳамон пайсалга солиниб келинаяпти.

Маълумки, кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз турар-жой қурилишини жадал ривожлантириш ва бу фондни сақлаш масаласига алоҳида эътибор берди. Областимизда шу йилнинг 1 январига қадар турар-жой фонди 5 миллион 114 минг квадрат метрни ташкил этди. Шу жумладан маҳаллий советлар йўли билан кўрилган турар-жой фонди 1 миллион 278 минг квадрат метрдан иборат бўлди. Ана шу турар-жойлар умумий фондидан 86 процентга водопровод суви билан таъминланган, 85 процентида канализация фойдаланилади ва 88 процентида иссиқлик билан таъминлаш йўлга қўйилган. Иссиқ сув билан таъминланган турар-жойлар эса 72 процентни ташкил этмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида маҳаллий советларнинг турар-жой фондини капитал ва жорий ремонт қилиш учун 12 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Бу рақамлар турар-жойларни ва район марказларидаги уйларни водопровод суви билан таъминлаш, канализация хизматини йўлга қўйиш орқада қолаётганлигини кўрсатади. Бектемир, Келес шаҳарларида, Чигирик ва Олмазор посёлкаларида коммунал водопроводлар умуман йўқ. Пискент, Чиноз, Тўйтепа шаҳарларида кўп қаватли бинолар аллақачоноқ қад кўтарганлигига қарамай, канализация хизмати йўқ.

Уй-жой фондини сақлашда жамоатчилик, маҳалла комитетлари, уй-жой комитетларининг роли катта. Улар «Энг яхши уй учун», «Намунали сақланган ва юксак маданиятли уй учун» шиорлари остида анчагина яхши ишлар қилмоқдалар.

Жамоатчилик ёрдамида йўлкалар чекkаларига, қабристонлар атрофларига кўчатлар ўтказиш, шаҳарлар, районлар марказларини ва посёлкаларини ободонлаштириш ишлари авж олиб кетди. Бутун областимизда қизғин ўтаётган ободончилик ва санитария ҳолатини яхшилаш бўйича икки ойлик яхши самаралар бермоқда. Бу йил областимизда ана шу ободончилик ишлари учун 2,5 миллион сўм сарфланади.

Биз кўкаламзорлаштириш соҳасида жуда катта ютуқларга эришаяпмиз. Ташкил этилаётган парклар, хиёбонлар келажакда меҳнаткашларнинг оромгоҳига айланиб қолиши шубҳасиз. Аммо, бу соҳада истак тариқасида айтиладиган фикрларимиз ҳам йўқ эмас. Кўчатларни ўтказишга ўтказамиз, аммо уни сақлаш, парвариш қилиш, суғориш ишларига бепарволик билан қаралади. Натижада давлатнинг ободончилик ишларига сарфланаётган қанчадан-қанча маблағи бекор кетади. Бу йил ва бундан буён ана шундай камчиликларга йўл қўймаслик учун ободончилик ишига партия, совет, хўжалик ташкилотлари жуда катта масъулият билан ёндошишлари, энг муҳими бу ишга жамоатчиликнинг эътиборини кучайтиришлари керак. Ободончилик гўзаллик ва саломатлик гарови эканлигини унутмайлик.

М. ТОШМАТОВ,
Тошкент область ижроия комитетти ободонлаштириш бошқармаси бўлимининг бошлиғи.

ОБОДОНЧИЛИК ИККИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Цирк томошалари чорлайди

Залда чуқур сукунат ҳукмрон. Чироқлар аста-секин ёруғлашиб бораётир. Томошабинларнинг диққат-эътиборлари, нигоҳлари юқорига — мураккаб шароитда эҳтиёткорлик билан нозик ҳаракат қилаётган манеж гўзалларига қаратилган. Уларнинг ҳар бир қадами, ҳатти-ҳаракати залдагиларни ҳаяжонга солади. Музикачилар ҳам санъаткорларнинг ҳатти-ҳаракатларига мослаб куй таратишмоқда. Томошабинлар бир зум қизлардан кўз узишга ботина олмайдилар: гўё мутаносиблик ёки мувозанат бузиладигандек.


Санъаткорлар ўз программаларини муваффақиятли тугаллаб манежга тушганларида, муҳташам зал қарсакларидан ларзага келди. Ижрочилар опа-сингил Авдиевалар шаънига юксак маҳорат учун олқишлар янгради. «Семафоргигант» деб номланган аттракционни юксак савияда ижро этганликлари учун опа-сингиллар қайта-қайта манежга таклиф қилиндилар.

Тошкентликлар ва пойтахт шаҳри меҳмонлари ҳар куни Тошкент Давлат циркида қизиқарли томошалар кўриб, мароқли хордиқ чиқаришмоқда. Мана бир неча кундирки, бу ерда цирк санъати усталари янги программада катта томошаларни намойиш қилмоқдалар.


«Чавандозликнинг олий санъати» деб номланган программа, айниқса, томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда. Янги цирк санъати асарларини Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Валерий Денисовнинг чиқишларини томошабинлар ҳамиша илиқ кутиб олишяпти.

Манежданги отлар ўрнини туялар эгаллайди. Қодир Ғулом раҳбарлигидаги цирк артистлари туялар устида акробатик рақсларни шу қадар чаққонлик ва моҳирлик билан ижро этдиларки, томоша бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Шунингдек, молдавиялик акробатчилар Натаркинларнинг чиқишлари, артист Курбон Имоналиевнинг арқон устидаги ўйинлари, Л. Маликова тарбиялаган маймунлар ижросидаги программа, масхарабозлар Ю. Савельев ва А. Логиновларнинг интермедиялари ҳам муваффақиятли намойиш этилаётир. Цирк санъатм усталари ижросида кўрсатилаётган қизиқарли программалар томошабинларга катта эстетик завқ бағишламоқда.







Суратларда: [юқоридан пастга] опа-сингил Авдеевалар; жонглёр Ермаковалар моноциклда; Л. Маликова ўзи ўргатган маймун билан.

Л. Глауберзон фотолари.

ЯНГИ ШИФОХОНА

ТОШКЕНТ районидаги «Ленин йўли» колхозида икки қаватли ҳашаматли янги бино қад кўтарди. Бу 120 беморга мўлжалланган район касалхонаси биносидир. Замонавий типда қурилган, барча қулайликларга эга бўлган бинода жиҳозлаш ишлари тугай деб қолди. Бу янги саломатлик масканида ҳадемай оқ халатли шифокорлар иш бошлаб юборишади.

Т. ЖУРАЕВ.

ИНСОН ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш бошқармасидаги марказий алоқа пунктининг телефони устма-уст жиринглади:

— 2-София проездига жойлашган 23 квартирали, барак типидаги уйга ўт кетди!..

Навбатдаги наряд ўт тушган жойга етиб келганида, вазият жуда мураккаб эди. Аланга икки хона ва чердакни эгаллаб, бошқа хоналарга ҳам ўтмоқда. Барча уй анжомларини олиб чиқиш билан банд. Шу пайт хоналардан бирининг томи босиб қолиб, чиқиш йўлини тўсиб қўйди.

Буни сезган ўт ўчирувчи Бердиёр Тўлаев хоналар ичидаги юқори ҳарорат, аччиқ тутунга қарамасдан дадил ичкарига киради ва у ердан беҳуш 30 ёшли Н. Ерикалина ва унинг 11 ёшли Светлана исмли қизини қидириб топади.

Бердиёрнинг орқасидан жадал ҳаракат қилиб кириб келган ички хизмат капитани Абдуҳолиқ Сапаров ҳаёти ҳавф остида қолганларни хонадан олиб чиқишда ёрдам кўрсатди. Уларнинг ўт билан олишувда кўрсатган мардлиги, жасорати, бурчига содиқлиги туфайли икки инсон ҳаёти сақлаб қолинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Бердиёр Тўлаев ҳамда Абдуҳолиқ Сапаровлар ёнғинни ўчиришда жасорат ва мардлик кўрсатганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми номидан «Ёнғиндаги жасорати учун» медали билан мукофотландилар.

Р. АҲМЕДОВ,
ички хизмат майори.

КОЛХОЗДА АДАБИЙ КЕЧА

ПИСКЕНТ районининг «Гулистон» колхози клубида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 90 йилдиги муносабати билан адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани район партия комитетининг секретари М. Эргашева кириш сўзи билан очди.

Беруний номли мукофот лауреати, филология фанлари кандидати Музайяна Алавия Ҳамзанинг ҳаёти ва серқирра ижоди ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ҳамза олимаънинг тоғаси Абдулла Алавийнинг яқин дўсти эди. Абдулла бетоб бўлиб ётганида шоир бир неча бор ҳол-аҳвол сўрагани келган. Ўша кунлари ёш Музайяна Ҳ. Ҳ. Ниёзий билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлганлиги ҳақида гапириб берди.

Кечада сўзга чиққан СССР Давлат мукофоти лауреати артист Турғун Азизов Ҳамза номли театр коллективининг шоир юбилейига тараддуди ҳақида гапирди. Адабиёт мухлислари шоир Азиз Абдураззоқнинг сўзини катта қизиқиш билан тингладилар.

Кеча охирида колхоз партия ташкилотининг секретари С. Умаров сўзга чиқиб, пахтакорлар номидан меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

С. АҲМЕДОВ,
ишчи-деҳқон мухбирлари университетининг тингловчиси.

МУЗЕЙ ЭКСПОНАТИ

Трошченко 1945 йилнинг май ойида Берлингача етиб келди. Бўш кунларининг бирида у олимпия стадионига кириб қолди.

Семен дарҳол ўзи севган улоқтирувчилар секторига қараб йўл олди. Гимнастёркасини ечди, югуриш йўлкасида бироз чопиб терлади. Сўнг эса қўлига чўян снарядни олиб, уни улоқтира бошлади. У машққа шунчалик берилиб кетган эдики сим тўр атрофига тўпланган томошабинларга эътибор ҳам бермасди. Солдатлар эса унга «Ҳа баракалла, бўш келма» деб далда беришарди. Спортчи ҳам етти килограммлик думалоқ шарни кетма-кет улоқтираверди. Ҳолдан тойгунча машқ қилди.

Қаттиқ чарчаб, четга ўтганда унинг ёнига бир немис келди. У стадион қоровули эди. Кекса ердан оғир чўян снарядни қўлига олиб уни бир икки айлантирди-да, диққат билан кўздан кечиргач, Трошченкога «орқамдан юр» ишорасини қилиб, олдинга бошлади.

Улар алланарсалар билан тўлган омборхонага келишди. Бир неча коронғи хоналардан ўтиб, бўш бочкалар орасидан қисила-қисила ўтиб токчага дуч келишди. Трошченконинг дарҳол бир-биридан чиройли икки снарядга кўзи тушди. Немис бу молотларнинг бири жаҳон рекордчиси Эрвин Блескники эканлигини айтиб, уни солдатга совға қилди.

Трошченко кексага миннатдорчилик билдирди. Совғани рюкзагига солар экан стадион қоровулига яна бир бор раҳмат айтди.

Солдат урушдан қайтди. Уни билан ўша ноёб совғани ҳам олиб келди. Шундай қилиб молот адресини Трошченкога ўзгартирди. Трошченко ҳарбий хизматдан кейин тренер бўлиб ишлай бошлади.

...«ПАХТАКОР» стадионида чўяндан ишланган ўша молот ҳануз сақланади. Йиллар ўз таъсирини ўтказди. Молот ишлатилабергач эскириб яроқсиз ҳолга келиб қолди. Бу спорт анжоми ҳақидаги воқеани менга телевидение ва радиоэшиттириш коментатори Наркас Муллажонов ҳикоя қилиб берди. Муллажоновнинг ўзи Трошченконинг шогирдидир.

Бу ҳикоядан кейин мен воқеани чуқурроқ билиш мақсадида енгил атлетика билимдонларидан бири, ҳозирда Москвада яшаётган кекса спортчи Борис Львов хонадонида бўлдим.

Биз 1936 йилда олимпиада шарафига нашр этилган альбомни эътибор билан қараб чиқдик. Ундаги «Молот» бандида эса чўян снаряд ғолиблари тарихига оид спортчиларнинг фамилиялари қайд этилган экан. Карл Хейн, Эрвин Бласк... Орадан икки йил ўтгач Бласк жаҳон рекордини янгилади. Олимпиадада эса иккинчи ўринни олган эди. Расмлар мени мафтун этди. Спортчининг муаллақ қўлида эндигина итқитаётган чўян молот қуёш нурида ажиб товланарди.

Эртаси кун эрталаб мен Минск жисмоний тарбия институти енгил атлетика кафедрасига телефон қилиб Михаил Кривоносовни сўрадим.

Ундан Тошкентда мусобақа пайтида фойдаланган снарядни эслай оласизми деб сўрадим.

— Албатта, эсимда,— трубкадан йўғон овоз эшитилди.

Молот жуда ноёб эди. Уни менга мусобақа пайтида фойдаланиш учун тошкентлик Муллажонов берган эди. Агар янглишмасам натижаси ҳам эсимда. 67 метр 32 сантиметр.

Шундан сўнг мен Кривоносовга бу спорт анжоми билан боғлиқ бўлган ҳикояни сўзлаб бердим.

АПН.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● **БАДИИЙ ГИМНАСТИКА.** Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосида ўтказилаётган мусобақаларнинг яна бир тури бадиий гимнастика бахсларига якун ясалди. Энг кучли спортчилар «Меҳнат резервлари» спорт комплексида чемпионлик учун куч синашдилар.

Аввалги мусобақалардагидек бу сафар ҳам тошкентлик бадиий гимнастикачиларга тенг рақиб тошилмади. Улар команда ҳисобида пешқадамлик қилишди. Бухороликлар иккинчи, Андижон области вакиллари учинчи бўлишди. Ўзининг нафис ҳаракатлари билан мухлисларга ёқиб қолган тошкентлик спорт мастери Ольга Тимофеева кўпкурашда чемпионлик унвонини қўлга киритиш билан бирга айрим машқлар бўйича ўтказилган беллашувларда ҳам тўрт марта ҳурмат шохсупасининг юқорисига кўтарилди. Лента билан машқ бажаришда эса Ирина Матарина спартакиада чемпиони бўлди.

● **ВЕЛОПОЙГА.** Бугун республикамиз йўллари бўйлаб ўтказилган кўпкунлик велосипед пойгачилари пешинда Ангрендан йўлга чиқиб, кечки пайт Тошкентга етиб келишади. Бу билан сўнгги босқичга ҳам якун ясалади.

Ўтган куни Фарғона—Қўқон оралиғида бўлган беллашувда Тошкент области пойгачилари пешқадамликни ўз қўлларида сақлаб қолишди. 9 босқичдан сўнг пойтахт области командаси 57 соат, 19 секунд вақт билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Иккинчи ўринда бораётган Қирғизистон командаси пешқадамга 4,5 минут ютқазмоқда. Фарғоналикларнинг натижаси эса 57 соат 17 минут 39 секунд.

Шахсий ҳисобда ҳамон Қирғизистон пойгачиси С. Калеев пешқадамлик қилмоқда. У 9 босқичга 18 соат 37 минут 33 секунд вақт сарфлади. Республикамиз вакили Александр Хрушчев пешқадамга 58 секунд ютқазиб турибди. Тошкент области вакили Евгений Посмитний учинчи ўринда бормоқда. Бу уч пешқадамнинг вақти шунчалик яқинки, кейинги босқичда секундлар учун кураш янада кучаяди.

● **ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ.** Тошкент область комсомол комитети мукофоти учун аёллар ўртасида чим устида хоккей бўйича ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Тўйтепадаги «Юбилей» стадионида ўтказилган бу мусобақанинг финалида Лениногорскнинг «Енбек» ва Тошкентнинг «Университет» командалари учрашишди. Қозоғистон спортчилари 1:0 ҳисобида голиб келиб, «Тошкент баҳори» турнири голиби бўлдилар.

«Политотдел» стадионида эса мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари «Тошкент баҳори» турнири мусобақаларини давом эттиришмоқда. Бунда 8 команда иштирок эташтн. Республикамиз спорт шарафини Андижон ва Тошкент командалари ҳимоя қилишмоқда.

НОЁБ СПОРТ АНЖОМИ ВОҚЕАСИ

БУ ВОҚЕА бундан йигирма йил муқаддам Мельбурнда ўтказиладиган олимпиада мусобақаларига тараддуд кўраётган энг яхши совет енгил атлетикачилари Тошкентга келишганида рўй берган эди. Енгил атлетикачиларимиз олимпиада олдидан пойтахтимизда саралаш мусобақаларини ўтказадилар. Улар орасида қадди-қомати келишган, бақувват Михаил Кривоносов алоҳида ажралиб турарди. Бир неча йилдан бери шоншуҳратга бурканиб келаётган бу спортчи ҳар қачонгидек мутахассис ва ишқибозларнинг диққат-эътиборида эди. Мамлакатнинг ва жаҳоннинг бир неча бор рекордчиси бўлган Кривоносов командамизнинг энг етакчи спортчиларидан бири ҳисобланарди.

Мусобақалар бошланишига бир неча соат қолганда Кривоносов соф бронзадан ишланган 7 килограммли снарядни танлаб олди.

Оғир тош бир ярим қулоч келадиган занжирни кетидан эргаштириб стадионнинг яшил майдонида жуда узоққа, рекорд кўрсаткичга бориб тушди. 67 метр 32 сантиметр! Бу жаҳоннинг янги рекорди эди.

Спортнинг мураккаб техник турларидан бири ҳисобланган молот ирғитишдаги кўрсаткичлар ақл бовар қилмайдиган тезликда ўсиб бораётган ҳозирги кунда бу кўрсаткич унчалик ҳайратланарли эмасдек туюлади. Москвалик Борис Зайчук молотни 80,14 метрга улоқтирган. Совет спортчисининг бу рекордини ўтган йили ГФР вакили Карл Ханс Рим 80,32 метрга етказди. Бироқ, 20 йил муқаддам Михаил Кривоносов эгаллаган марра инсон имкониятининг чегараларидан бири деб ҳисобланарди.

АНА ШУ рекорд замирида қизиқ бир воқеа ётади. Ажойиб бронза шари Тошкентга келиб қолгунга қадар жаҳонда энг юксак маррага тушган. Буни мусобақаларда қатнашганлардан фақат бир киши Семен Трошченкогина биларди.

Урушдан олдин Ленинградда спорт мухлислари Семен Трошченкони яхши танишарди. У волейбол ўйнар, баландликка сакрар, молот ирғитарди. Уруш бошлангач, спортчи солдат шинелини кийди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводи учун қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, радиоаппаратура ва приборларни монтаж қилувчи ва регулировкачи, технологик ускуналарни созловчи, токарь, фрезерчи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА, ШУНИНГДЕК ШАҲАР АТРОФИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 8-синфни битирганлар учун 3 йил, 10-синфни битирганлар учун бир йил.

Ўрта маълумотли ўқувчилар 30—45 сўм миқдорида стипендия, 8-синфни битирган ўқувчилар эса тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга 33 процент иш ҳақи тўланади.

Ўқиш аълочилари билим юртини тугатгандан сўнг, Москва, Ленинград, Тошкент шаҳарларидаги олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга юборилади.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, 4х6 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Қабул комиссияси ҳар куни билим юрти биносида ва В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводининг кадрлар бўлимида ишлайди.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри-5, Ленин райони, Весна кўчаси, 17-уй, 196-техника билим юрти (1, 5-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати);

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ ВАЗАСИДАГИ
126-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай ва троллейбус вагонлари ҳаракатдаги составининг электр ускуналари ва радиоаппаратураларини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, тортиш подстанциялари диспетчери, саноат электр ускуналари ремонти бўйича электромонтёр;

17 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ;

контактли ва кабель тармоқлари эксплуатацияси ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, тортиш подстанцияларини эксплуатацияси ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр.

17 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ;

трамвай вагонлари ҳайдовчиси, троллейбус ҳайдовчиси.

17,5 ЁШДАН БОШЛАБ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

Техника билим юртлари программаси бўйича таълим группасига қабул қилинган ўқувчиларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади ва улар ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида 33 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ БЎЙИЧА:

трамвай ва троллейбус вагонларининг электр ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь-электрик, трамвай ва троллейбус вагонлари ҳаракатдаги составини ремонт қилиш бўйича слесарь, контактли ва кабель тармоқлари эксплуатацияси ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр; металл бўйича токарь, тортиш подстанциялари эксплуатацияси ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, саноат ускуналари ремонти оуинча слесарь, автослесарь.

8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ МУДДАТИ—2 ЙИЛ.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал овқат, кийим-бош, ётоқхона билан ҳамда ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида 33 процент иш ҳақи билан таъминланадилар. Шунингдек, улар трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқига эга буладилар.

Билим юрти ҳузурида кечки мактаб ишланди.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ТЕХНИКУМЛАРГА ИМТИЕЗЛИ ШАРОИТЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: паспорт, ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат (аттестат ёки гувоҳнома), турар жойидан справка, характеристика, таржимаи ҳоли, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.

Медицина кўриги билим юртида ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 125, Куйбишев райони, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (17, 69, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайлар ва 18-троллейбусларнинг «Высоковольтний массиви» бекати). Телефон 62-34-57.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.25 — Фамилиядош. Бадиий фильм. 1-серия. 11.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 — Горнчилар қаердасиз? 16.45 — СССР халқ артисти Л. Иманов куйлайди. 17.20 — Сибирь экинзорларининг келажаги. 18.10 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР—Швеция терма командалари. Танаффус пайтида дунё воқеалари. 20.25 — Фамилиядош. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.05— Музикали программа. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 17.45 — Қувноқлар даврасида. 18.15 — СССР халқ хўжалигини ривожлантириш биринчи беш йиллик планининг 50 йиллигига. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Ешлик. 19.45 — Ҳужжатли фильм премьераси. 20.00 — Футбол бўйича ўртоқлик учрашуви. Ўзбекистон—СССР-II терма командалари. 2-тайм. 20.45 — Ахборот. 21.05 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.15 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.30 — СССР халқ артисти Тамарахоним.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

21.10 — Янгиликлар. 21.30— Ҳужжатли фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ТАТТА ТЕАТРИДА — 18/IV да Севги ҳақида афсона (премьера), 19/IV да Маърифат қурбонлари.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/IV да Зеби-Зебона, 19/IV да Хотинимнинг эри.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети республика пропаганда бош редакциясининг редактори З. Тошхўжаевага отаси

Тоир ШЕРМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари табиёт-география факультети табиий география кафедрасининг доценти Х. С. Масудовга онаси

Солиҳа МУСАМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент,—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750
БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия гурмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07203. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2375.